



КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАРДА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Авазметов Бекзод Аминбоевич

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20675350>

Бугунги кунда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш масаласи долзарб аҳамият касб этади. Бундай маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни мақсадли ва манзилли ташкил этиш орқали жиноятчилик даражасини пасайтириш мумкин.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистонда жиноятларнинг олдини олиш сиёсати умумий профилактикадан манзилли, ҳудудий ва илмий асосланган профилактика моделига ўтиб бормоқда. Айниқса, охириги беш йил давомида криминоген ҳолати бўйича “қизил” тоифада турган маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш давлат сиёсатининг алоҳида устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1-сон (2025-йил 3-январ) қарорига мувофиқ бундай маҳаллаларда фақат анъанавий профилактика эмас, балки махсус ташкилий-профилактик чоралар, “хонадонбай” ва “фуқаробай” ишлаш, куч ва воситаларни қайта тақсимлаш, рақамли технологиялар ҳамда “СРТЕД” асосида хавфсиз муҳитни шакллантириш назарда тутилган. Бу эса мураккаб маҳаллалардаги профилактика фаолияти оддий ҳудудлардагидан мазмунан фарқ қилишини кўрсатади.¹

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда профилактика фаолиятининг ҳуқуқий табиатига эътибор берадиган бўлсак, бу борада маълум бир тизим шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни профилактикани ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган умумий давлат-ижтимоий фаолият сифатида белгилайди.² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1-сон (2025-йил 3-январ) қарори мазкур умумий қоидаларни мураккаб маҳаллалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ПҚ-253-сон (2025 йил 18 август) қарори // <https://lex.uz/docs/7690026/>

² Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” // ЎРҚ-371-сон (2014 йил 14 май) Қонуни // <https://lex.uz/docs/2387357/>



шароитига мослаштириб, профилактикани юқори хавфли ҳудудга нисбатан махсус режимда қўллашни назарда тутди. Шу маънода, мураккаб маҳаллаларда профилактика фаолиятининг биринчи ўзига хос хусусияти – унинг махсус ҳуқуқий режимга эга манзилли профилактика шакли эканидир. Бу ерда профилактика объекти “умумий аҳоли” эмас, балки юқори хавфли ҳудуд, хавфли жойлар, хавф гуруҳидаги шахслар ва ижтимоий профилактика объектларидир³. Шу билан бирга, “Жамоат хавфсизлиги концепсияси” жамоат хавфсизлигини фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эмас, балки давлат ва жамиятнинг ҳамкорликдаги фаолияти сифатида талқин қилади. Демак, мураккаб маҳаллаларда профилактика фаолиятининг ҳуқуқий табиати комплекс бўлиб, у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ижтимоий, ташкилий ва инфратузилмавий чораларни бирлаштиради. Мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг энг муҳим белгиси – манзиллилиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025-йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарорида ҳар бир маҳалла кесимида алоҳида ойлик “йўл хариталари” ишлаб чиқирилиши, масъул раҳбарларнинг номма-ном бириктирилиши, профилактика инспекторлари сонининг оширилиши, патрул-пост нарядларининг доимий хизмати йўлга қўйилиши назарда тутилган. Бу ёндашув профилактикани умумий қақириқлар даражасида эмас, балки аниқ ҳудуд, аниқ кўча, аниқ объект ва аниқ шахс даражасида амалга оширишга қаратилган.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида:

ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон (2025 йил 3 январ) қарори // [хтtps://lex.uz/doss/7330260./](https://lex.uz/doss/7330260/)



хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш;

«республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;

ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш учун зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш.⁴

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат ҳисобланади.

- жиноят ва хуқуқбузарликлар сонининг юқорилиги;
- ишсизлик даражасининг юқори бўлиши;
- ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламининг кўплиги;
- вояга етмаганлар ва ёшлар назоратининг етарли эмаслиги;
- оилавий низолар ва маиший можароларнинг кўп учраши;
- спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларига мойил шахсларнинг мавжудлиги;

аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгининг пастлиги.

Ушбу омиллар жиноятчиликнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади ва профилактика чораларини кучайтиришни талаб этади. Ушбу омилларни олдини олиш учун манзилли профилактика ишларини ташкил этиш, маҳаллабай ишлаш механизминини ишлаб чиқиш, давлат органлари ва жамоатчилик ҳамкорлигини тўғри ташкил этган ташкилотга рағбатлантириш режалари ишлаб чиқиш, хотин-қизлар билан профилактик ишларни такомиллаштириш, рақамли технологиялардан фойдаланиш чора-тадбирларни олиб бориш лозим бўлади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.